Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)*
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
«25» 08 2018 йил

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти;
- "Ўзпахтасаноат" АЖ

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	**5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**	**4**
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2.	**5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**	**6**
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	7
3.	**5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**	**8**
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2.	5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	9

1. 5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5321200 – *Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йуналиши фан ва техника соҳасидаги йуналиш бўлиб, пахта саноати корхоналари хом

ашёсини қабул қилиш ва сақлаш, дастлабки ишлов бериш, пахта саноати машиналаридан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган усуллар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– пахта хом-ашёси, пахтани дастлабки ишлаш технологиялари ва жиҳозлари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– пахта саноати корхоналари хом ашёсини қабул қилиш ва сақлаш, дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш жараёнларини бошқариш;

– пахтани дастлабки ишлаш технологиясини лойиҳалаш жараёнларини таҳлил қилиш, оптималлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлаш ва сертификация услубларини қўллаш;

– пахта саноати корхоналари хом ашёсини қабул қилиш ва сақлаш, дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш;

– пахта саноати технологик машиналарини муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

– пахтани қайта ишлаш технологик жараёнларини лойиҳалаш.

1.2.3. *5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- *илмий-тадқиқот;*
- *ишлаб чиқариш;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *лойиҳавий-конструкторлик* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

5А321201- Пахтани дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб бориши мумкин.

2. 5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

• фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий – илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

• хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;

– хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

– намунавий технологик жараёнларни қўллаш;

– технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;

– амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;

- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларини амалиётга татбиқ этиш амалиётга татбиқ этиш, машиналар ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

- республика ва хорижда чоп этилган табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишда қатнашиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

– хом ашё ва материалларнинг тузилиши, физик-механик ва кимёвий хоссалари, маҳсулотларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари, моддий баланс, ишлаб чиқариш режимлари ва нормалари, ишлаб чиқаришнинг асосий (технологик) ва ёрдамчи жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишни амалга ошира олиши;

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

3. 5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлар;

қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Гуманитар фанлар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар бўйича:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, ишлаб чиқаришда амалий дастурлаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

олий математик дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги, математик моделлар, математик моделлаштириш усуллари, ишлаб чиқаришда амалий дастурлаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

Умумкасбий фанлар блоки:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлари ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;
- ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;
- умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;
- коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим;
- умумкасбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

• моделли тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўрикларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши ***лозим***.

Ихтисослик фанлар блоки:

• бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

• тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

• ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

• касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

• муҳандисча фикрлашни ривожлантириши ва ўз соҳасидаги муҳандислик масалаларини мустақил режалаштириб ечишга қодир бўлган бакалаврни тайёрлаши;

• муҳандислик иши соҳасидаги объектлар ва жараёнларни, жумладан амалий дастурлар пакетларини ва математик моделлаштиришнинг элементларини қўллаб, тадқиқот қилиш қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиши;

• талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши ***лозим***.

Қўшимча фанлар блоки

• талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

• касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

• таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши ***лозим***.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. *5321200 – Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Назарий ва амалий таълим –	58.82 %;
Аттестациялар –	6.39 %;
Таътил –	17.64 %;
Малакавий амалиёт –	14.7 %;
Битирув малакавий иши –	2.45 %.

Назарий таълим ҳажми "Ишлаб чиқариш ва техник соҳа" билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий илмий фанлар	30 %;
умумкасбий фанлар	42 %;
ихтисослик фанлар	22 %;
қўшимча фанлар	6 %.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, пахта, каноп, жун, пилла, уруғлик чигит, технологик жараён, намлик, ифлослик, нав, тип, қуритиш жараёни, лойиҳалаш, тукли ва туксиз уруғлик чигит, саралаш, туксизлантириш, дорилаш, таъмирлаш, созлаш, қозиқчали барабан, аррачали барабан, аррали цилиндр, қистирма, жинлаш, линтерлаш.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ректор _____ **С.З.Юнусов**

2018 йил « 4 » август

"Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарув раиси

Ўринбосари _____ **А.А.Султонов**

2018 йил « 4 » август

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор _____ **Б.Х.Рахимов**

2018 йил « 10 » 07

М.Ў.

Наманган муҳандислик-технология институти

Ректори _____ **О.О.Маматкаримов**

2018 йил « 09 » 07

М.Ў.

"Paxtasanoat ilmiy markazi" АЖ

илмий ишлар ва инновация бўйича бош директорнинг биринчи ўринбосари _____ **Р.А.Гуляев**

2018 йил « 10 » 07

М.Ў.

"Ўзпахтасаноат" АЖ

ишлаб чиқаришни мувофиклаштириш, сифатни ва стандартларга риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи _____ **М.Б.Рахматов**

2018 йил « 10 » 07

М.Ў.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) бакалавр таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби

Т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	Х.Х.Камилова	ТТЕСИ ўқув ишлари проректори, т.ф.д., проф.	
Аъзолари:			
2	Б.К.Хасанов	ТТЕСИ ўқув бўлими бошлиғи, т.ф.н., доц.	
3	Т.О.Туйчиев	"Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси" кафедраси мудири в.в.б., PhD	
4	Х.Ж.Абдугаффаров	"Технологик машиналар ва жиҳозлар" кафедраси мудири, PhD	
5	О.М.Йўлдошова	"Меҳнат муҳофазаси ва экология" кафедраси мудири, т.ф.н., доц.	
6	М.Эргашов	"Машинашунослик ва сервиз хизмати" кафедраси мудири, т.ф.д., проф.	
7	Ш.Р.Файзуллаев	"Йигириш технологияси" кафедраси мудири, т.ф.н., доц.	
8	Т.А.Очилов	"Тўқимачилик материалшунослиги" кафедраси мудири, т.ф.н., доц.	
9	Д.Н.Қодирова	"Тўқимачилик матолари технологияси" кафедраси мудири, т.ф.н., доц.	

Ректор _____ **С. Юнусов**

М.Ў.

Ўқув ишлари бўйича проректор _____ **Х.Х. Камилова**

Декан _____ **М.Э.Рузметов**

“Ўзпахтасаноат” АЖ

Вазирлик номи

Бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирликнинг корхоналари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Вазирликнинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5321200	Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта) таълим йўналиши	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** - табиий толаларни дастлабки ишлаш соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаш; - табиий толаларни дастлабки ишлаш технологик ускуна тизимларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш ва режалаштириш; - иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва махоратидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш; - инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш; - табиий толаларни дастлабки ишлаш технологик жараёнлари, уларнинг элементлари ва технологик хужжатларини ишлаб чиқишда ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш; -табиий толаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш буйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш; -табиий толаларни дастлабки ишлашни намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш; -табиий толаларни ишлаб чиқаришни бошқариш асослари; метрологик таъминот ва техник назорат буйича ишлаб чиқариш фаолияти сохасидаги ишларни бажариш;

			-табиий толаларни дастлабки ишлаш технологик жараёнлари, технологик ускуналари, уларнинг тизимлари ва элементларини лойихалашда табиий ресурслар, энергия ва материаллардан самарали фойдаланиш; -табиий толаларни ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш; -илмий ва амалий фаолиятда сохага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш; - касбий этика кодексига риоя қилиш.

"Ўзпахтасаноат" АЖ раисининг
биринчи ўринбосари — А.А.Султонов

"Ўзпахтасаноат" АЖ Ишлаб чиқаришни
мувофиқлаштириш, сифати ва стандартларига
риоя этилишини назорат қилиш
бошқармасининг бошлиғи — М.Б. Рахматов

"Ўзпахтасаноат" АЖ кадрлар
бошқармаси бошлиғи — Ф.Р.Акбаров

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 14 декабрдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5285-сонли; 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, Президент Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини базавий ташкилот ва корхоналарнинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда халқаро тажрибалар асосида янгиланган ҳолда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларининг турдош ОТМлари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. **"20" 07 2018 йил**

Қатнашдилар: С.Юнусов – ТТЕСИ ректори, Х.Х.Камилова – ТТЕСИ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.К.Хасанов – ТТЕСИ ўқув бўлими бошлиғи, Т.О.Туйчиев – ТТЕСИ Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси мудири, Х.Ж.Абдугаффаров – ТТЕСИ Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси мудири, Ш.Р.Файзуллаев – ТТЕСИ Йигириш технологияси кафедраси мудири, Ж.А.Ахмедов – ТТЕСИ Ипак технологияси кафедраси мудири, Д.Н.Қодирова – ТТЕСИ Тўқимачилик матолари технологияси кафедраси мудири, Т.А.Очилов – ТТЕСИ Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси мудири, И.А.Набиева – ТТЕСИ Кимёвий технология кафедраси мудири, М.А.Мансурова – ТТЕСИ Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири, А.М.Джураев – ТТЕСИ Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири, Х.М.Юнусходжаева – ТТЕСИ Костюм дизайн кафедраси мудири, Д.А.Холматов – ТТЕСИ Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси мудири, А.Қ.Буланов – ТТЕСИ Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси мудири, О.К.Эргашев- НамМТИ ўқув ишлари бўйича проректор, У.Х.Мелибоев - НамМТИ Енгил саноат технологияси факультети декани, З.Эркинов - НамМТИ Тўқимачилик саноати махсулотлари технологияси кафедраси мудири, Қ.Олимов - БухМТИ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Мусаев - БухМТИ Технология ва жиҳозлар кафедраси мудири, Ф.Содиқов - ЖизПИ, Енгил саноат маҳсулотлари технологияси кафедраси мудири, Ҳ.Бўриев - СамДАҚИ, Қурилишда менежмент кафедраси мудири

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан турдош ОТМлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 14 декабрдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5285-сонли; 2018 йил

4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, Президент Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкилштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га мувофиқ бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини базавий ташкилот ва корхоналарнинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда халқаро тажрибалар асосида янгиланган ҳолда ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси:

Т/р	Таълим йўналишлари шифри ва номи
	Бакалавр таълим йўналишлари
1.	5111000-Касб таълими (5320900 - Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари))
2.	5111000-Касб таълими (5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта))
3.	5111000-Касб таълими (5150900-Дизайн (костюм))
4.	5150900-Дизайн (Костюм)
5.	5232900-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
6.	5310900-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)
7.	5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)
8.	5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)
9.	5320400-Кимёвий технология (тўқимачилик саноати)
10.	5320400-Кимёвий технология (қогоз саноати)
11.	5320800-Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси
12.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)
13.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима)
14.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш)
15.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш)
16.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери ва мўйнага ишлов бериш)
17.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)
18.	5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари)
19.	5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)
20.	5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, коракўл)
21.	5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари)
22.	5321600-Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари

23.	5322000-Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси
24.	5610600-Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)
	Магистратура мутахассисликлари
1.	5А111001-Касб таълими назарияси ва методикаси (5150900-Дизайн (костюм))
2.	5А150901-Дизайн (костюм дизайни)
3.	5А310902-Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати)
4.	5А311001-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати)
5.	5А320302-Машинашунослик
6.	5А320310-Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари
7.	5А320315-Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари
8.	5А320402-Органик моддалар кимёвий технологияси (толали материалларни кимёвий пардозлаш)
9.	5А320405-Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш)
10.	5А320801-Матбаа машиналари ва аппаратларига сервис хизмати кўрсатиш
11.	5А320802-Матбаа технологияси ва дизайни
12.	5А320901-Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (ипак технологияси)
13.	5А320901-Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (йигириш технологияси)
14.	5А320902-Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш
15.	5А320903-Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш
16.	5А320904-Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (тўқима)
17.	5А320904-Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (трикотаж)
18.	5А320905-Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати)
19.	5А320906-Тўқимачилик саноати буюмларини бадиий лойиҳалаш (дизайнаторлар)
20.	5А321201-Пахтани дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси
21.	5А321501-Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича)
22.	5А321601-Енгил саноат машиналари ва аппаратлари

С.ЮНУСОВ – Маълумки, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 14 декабрдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5285-сонли; 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга кабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, Президент Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га асосланиб киритилган ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда 5111000-Касб таълими (5320900 - Енгил саноат

буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)), 5111000-Касб таълими (5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)), 5111000-Касб таълими (5150900-Дизайн (костюм)), 5150900-Дизайн (Костюм), 5232900-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5310900-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат), 5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат), 5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати), 5320400-Кимёвий технология (тўқимачилик саноати), 5320400-Кимёвий технология (қоғоз саноати), 5320800-Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси, 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери ва мўйнага ишлов бериш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари), 5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта), 5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, қоракўл), 5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари), 5321600-Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5322000-Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси, 5610600-Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати) таълим йўналишлари ҳамда 5А111001-Касб таълими назарияси ва методикаси (5150900-Дизайн (костюм)), 5А150901-Дизайн (костюм дизайни), 5А310902-Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати), 5А311001-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати), 5А320302-Машинашунослик, 5А320310-Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари, 5А320315-Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари, 5А320402-Органик моддалар кимёвий технологияси (толали материалларни кимёвий пардозлаш), 5А320405-Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш), 5А320801-Матбаа машиналари ва аппаратларига сервис хизмати кўрсатиш, 5А320802-Матбаа технологияси ва дизайни, 5А320901-Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (ипак технологияси), 5А320901-Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (йигириш технологияси), 5А320902-Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш, 5А320903-Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш, 5А320904-Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (тўқима), 5А320904-Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (трикотаж), 5А320905-Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати), 5А320906-Тўқимачилик саноати буюмларини бадиий лойиҳалаш (диссинаторлар), 5А321201-Пахтани дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси, 5А321501-Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича), 5А321601-Енгил саноат машиналари ва аппаратлари мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режалари тайёрланди. Шу жараён кай тарзда кетмоқда, танишиб чиқсак.

Б.ХАСАНОВ – Бизнинг ўқув-услубий бўлим томонидан мутахассис кафедралари жалб қилинган ҳолда мазкур таълим йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

У.Х.МЕЛИБОЕВ – Биз ТТЕСИ томонидан яратилган Малака талаблари ва ўқув режалари билан танишиб чиқдик. Мазкур талаблар бизга маъқул бўлди. Биз ўқув юкламаларнинг хажми хусусида ўзимизнинг баъзи фикрларни билдирган эдик, улар ҳам хозирги ўқув режаларда ўз аксини топибди.

С.ЮНУСОВ – 24 та бакалавр таълим йўналишлари ва 22 та магистратура мутахассисликлари Малака талаблари ва ўқув режаси хусусида. Бу ҳақида Ф.Содиқовдан эшитсак.

Ф.СОДИҚОВ – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан турдош ОТМлар билан ҳамкорликда 24 та бакалавр таълим йўналишлари ва 22 та магистратура мутахассисликлари Малака талаблари ва ўқув режасини тайёрлаб қўйдик.

С.ЮНУСОВ - 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) таълим йўналиши Малака талаби ва ўқув режаси хусусида. Бу ҳақида З.Эркиновдан эшитсак.

З.ЭРКИНОВ - 5310900 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат) таълим йўналиши бўйича биз Малака талаби ва ўқув режасини тайёрлаб қўйдик.

Б.К.ХАСАНОВ - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан турдош ОТМлар билан ҳамкорликда 24 та бакалавр таълим йўналишлари ва 22 та магистратура мутахассисликлари бўйича мутахассислар тайёрланадиган кафедра томонидан мазкур таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилди.

Ш.Р.ФАЙЗУЛЛАЕВ – Мазкур Малака талабларини ишлаб чиқишда З.Эркинов – НамМТИ Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси кафедраси мудири, О.К.Эргашев - НамМТИ ўқув ишлари бўйича проректор, Қ.Олимов - БухМТИ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Мусаев - БухМТИ Технология ва жиҳозлар кафедраси мудири, Ҳ.Бўриев - СамДАҚИ, Қурилишда менежмент кафедраси мудири билан ҳамкорликда ишладик.

Қ.ОЛИМОВ – Мазкур Малака талабларидаги бакалаврларга қўйилган талаблар, фанларнинг мазмуни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ўйлайман. Ихтисослик фанлари мана шу йўналишларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Умид қиламанки, мазкур йўналишларни битирган талабалар, Ўзбекистонимизни ривожлантириш учун катта ҳисса қўшадилар.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1.Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан турдош ОТМлар билан ҳамкорликда тайёрланган қуйидаги 5111000-Касб таълими (5320900 - Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)), 5111000-Касб таълими (5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)), 5111000-Касб таълими (5150900-Дизайн (костюм)), 5150900-Дизайн (Костюм), 5232900-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5310900-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат), 5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат), 5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати), 5320400-Кимёвий технология (тўқимачилик саноати), 5320400-Кимёвий технология (қоғоз саноати), 5320800-Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси, 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери ва мўйнага ишлов бериш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари), 5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта), 5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, қоракўл), 5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-атторлик махсулотлари), 5321600-Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, 5322000-Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси, 5610600-Хизмат кўрсатиш

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. "20" 07 2018 йил

Биз, қуйида имзо қўювчилар: – «Ўзпахтасаноат» АЖ бошқарув раиси ўринбосари А.А.Султонов, «Ўзчармсаноат» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ф.А.Бобоев, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раисининг ўринбосари Ф.Т.Жуманиязов, "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ нинг Бош директори Т.М.Қулиев, "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси директори О.У.Гулямов, ТТЕСИ ректори С.Юнусов ТТЕСИда ишлаб чиқилган қуйидаги 24 та бакалавр таълим йўналишлари ва 22 та магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида мазкур далолатномани туздик:

Бакалавр таълим йўналишлари:

1.5111000-Касб таълими (5320900 - Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари))

2.5111000-Касб таълими (5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта))

3.5111000-Касб таълими (5150900-Дизайн (костюм))

4.5150900-Дизайн (Костюм)

5.5232900-Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоклар ва соҳалар бўйича)

6.5310900-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)

7.5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноат)

8.5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)

9.5320400-Кимёвий технология (тўқимачилик саноати)

10.5320400-Кимёвий технология (қогоз саноати)

11.5320800-Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси

12.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)

13.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тўқима)

14.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш)

15.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (йигирилган ип ишлаб чиқариш)

16.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тери ва мўйнага ишлов бериш)

17.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)

18.5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (чарм ва мўйна буюмлари)

19.5321200-Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (пахта)

20.5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (чарм ва мўйна, қоракўл)

21.5321500-Технологиялар ва жиҳозлар (пойабзал ва чарм-атторлик махсулотлари)

22.5321600-Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари

23.5322000-Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси

24.5610600-Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (тўқимачилик, енгил ва пахта саноати)

Магистратура мутахассисликлари:

1.5А111001-Касб таълими назарияси ва методикаси (5150900-Дизайн (костюм))

2.5А150901-Дизайн (костюм дизайни)

3.5А310902-Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати)

4.5А311001-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати)

5.5А320302-Машинашунослик

6.5А320310-Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари

7.5А320315-Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари

8.5А320402-Органик моддалар кимёвий технологияси (толали материалларни кимёвий пардозлаш)

9.5А320405-Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (қогоз ва қогоз махсулотлари ишлаб чиқариш)

10.5А320801-Матбаа машиналари ва аппаратларига сервис хизмати кўрсатиш

11.5А320802-Матбаа технологияси ва дизайни

12.5А320901-Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (ипак технологияси)

13.5А320901-Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (йигириш технологияси)

14.5А320902-Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш

15.5А320903-Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш

16.5А320904-Тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (тўқима)

17.5А320904-Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (трикотаж)

18.5А320905-Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (пахта, тўқимачилик ва енгил саноати)

19.5А320906-Тўқимачилик саноати буюмларини бадиий лойиҳалаш (диссинаторлар)

20.5А321201-Пахтани дастлабки ишлаш ва уруг тайёрлаш технологияси

21.5А321501-Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича)

22.5А321601-Енгил саноат машиналари ва аппаратлари

Юқоридаги бакалаврлиат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Малака талабларининг ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

«Ўзпахтасаноат» АЖ бошқарув раиси ўринбосари — А.А.Султонов

«Ўзчармсаноат» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари — Ф.А.Бобоев

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раисининг ўринбосари — Ф.Т.Жуманиязов

